

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ШАМШИМЕТОВ ДИЛШОД ФАЙЗАХМАТОВИЧ

**КАТТА БОЛДИР СУЯГИ ДЎНГЛИКЛАРИНИНГ ЭСКИРГАН БЎҒИМ
ИЧИ СИНИШЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.22 - травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstracts of Doctor of Philosophy (PhD)

Шамшиметов Дилшод Файзахматович

Катта болдир суяги дўнгликларининг эскирган бўғим ичи
синишларини ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш..... 3

Шамшиметов Дилшод Файзахматович

Оптимизация диагностики и лечения застарелых внутрисуставных
переломов мышечков большеберцовой кости..... 23

Shamshimetov Dilshod Fayzaxmatovich

Optimization of diagnosis and treatment of the chronic intraarticular
fractures of tibial condyles..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ШАМШИМЕТОВ ДИЛШОД ФАЙЗАХМАТОВИЧ

**КАТТА БОЛДИР СУЯГИ ДЎНГЛИКЛАРИНИНГ ЭСКИРГАН БЎҒИМ
ИЧИ СИНИШЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.22 - травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Tib433 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzniito.uz), «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) ва Миллий ахборот агентлиги порталида (www.uza.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ирисметов Муроджон Эргашевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хўжаназаров Илхом Эшқулович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Акрамов Воҳиджон Рустамович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Джураев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.М. Рустамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори,
катта илмий ходим

А.П. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясига аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Катта болдир суягининг проксимал эпиметафизи эскирган жароҳатлари таянч-ҳаракат тизимининг оғир шикастланишлари ҳисобланади ва сўнгги ўн йил ичида уларнинг сони доимий равишда ўсиб бормоқда. Уларнинг «барча бўғим ичи синишларининг 10%ини, барча синишларнинг 2-5%ини, пастки муча шикастланишларининг 30%ини ва бўғимларнинг шикастланишини 12%ини»¹ ташкил қилиши ушбу тоифадаги жабрланганларнинг даволаш муаммосини долзарблигини белгилайди. Кўриб чиқиладиган муаммонинг тиббий ва ижтимоий аҳамияти ҳам «...даволашнинг қониқарсиз натижаларини и 2,8–11,9% ва ногиронликнинг юқори суръатлари - 6,1-34,9%...»² билан белгиланади.

Дунёда катта болдир суяги проксимал эпиметафизи эскирган синишларини артроскопия ёрдамида эрта ташхислаш ва жарроҳлик амалиётига бағишланган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: катта болдир суяги проксимал эпиметафизи эскирган синишларини очиқ остеотомияси, артроскоп ёрдамида ташқи фиксация мосламасини ўрнатиш; артроскоп ёрдамида винтлар ва пластиналардан фойдаланган ҳолда операцияларни ўтказиш, сўрилувчи шуруплар ёрдамида катта болдир суяги проксимал қисми суяк бўлақларини фиксациялаш; бўғим ичи бойламлар ва юмшоқ тўқима элементларини артроскопик усулда тиклаш каби илмий ишланмалар олиб борилмоқда. Муайян даволаш усули учун кўрсатмалар ҳали ҳам ноаниқ ва баъзан қарама-қаршиликлар юзага келади. Бироқ, жарроҳлик усулида даволаш натижаларининг самарадорлиги етарли эмаслиги сабабли, катта болдир суяги проксимал эпиметафизи эскирган синишларини даволаш учун жарроҳлик усулларини оптималлаштириш муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббий ёрдам хизматининг асосий вазифаларидан бири таянч-ҳаракат тизими шикастланган аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва комплекс мақсадли чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат. Буларга «...соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш...»³ каби муҳим вазифалар киради. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан катта болдир суяги дўнгликлари силжиш даражасига қараб жарроҳлик усулларини оптималлаштириш орқали катта болдир суяги проксимал эпиметафизи эскирган синишларини бўлган беморларни даволашнинг анатомик ва функционал натижаларини яхшилаш травматологиянинг ҳозирги йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 июндаги ПҚ-283-сон «Аҳолига шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида», 2022 йилнинг 25 апрелидаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий

¹ Frosch KH, Balcarek P, Walde T, Sturmer KM. A new posterolateral approach without fibula osteotomy for the treatment of tibial plateau fractures. J Orthop Trauma. 2010;24(8):515–20

² Garner MR, Warner SJ, Lorch DG. Surgical approaches to posterolateral tibial plateau fractures. J Knee Surg. 2016;29(1):12–20

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси» № ПФ – 4947 Фармони

ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизмат самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 12 апрелдаги ПҚ-6-сон «Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва соғлиқни сақлаш соҳасида инсон салоҳиятини янада ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тизза бўғимининг эскирган жароҳатлари пастки мучанинг оғир жароҳати ҳисобланади. Бундай синишларнинг частотаси барча синишларнинг 2 дан 5% гача, пастки муча синишларининг 30% гача ва барча бўғим ичи синишларнинг 4,0 дан 12,0% гача қисмини ташкил қилиши, ушбу тоифадаги жароҳатларнинг даволаш муаммосининг долзарблигини белгилайди (Шевцов В. И., 2009). Катта болдир суяги дўнглиги эскирган бўғим ичи синишини даволаш комплексининг асосий муҳокама қилинган муаммоларига қуйидагилар киради: диагностика усуллари тўпламининг фойдалилиги ёки уларнинг кўрсаткичлари, даволаш усулини танлаш, жарроҳлик аралашувининг кўрсаткичлари ва вақти, оптимал жарроҳлик ёндашувларини танлаш, шунингдек, имконият синиқларни очик ёки артроскопик ёрдами билан даволаш ва фиксация қилиш (Федоров В. Г., 2016). Бундай синишларни даволаш қийин вазифадир. Турли муаллифларнинг фикрига кўра, асоратлар ва қониқарсиз натижалар 50,0% дан ошади (Городниченко А. И.), ногиронлик даражаси эса 34,8%га етади. Даволанишнинг қониқарсиз узоқ муддатли анатомик ва функционал натижаларининг частотаси 6-39% га, ногиронлик эса 6% га етади (Шестаков Д. Ю., 2001). Катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи синиши ташхиси билан даволанаётган беморлардаги 60-80% ни шикастланишдан кейинги деформацияланувчи тизза артрозининг эрта ривожланиши, 29-50% ни доимий контрактураларнинг пайдо бўлиши ва тизза бўғимининг деформациялари 12-20% ни ташкил қилиши, шифокорларнинг тизза бўғими ва юмшоқ тўқималардаги жароҳатланиш даражасини ўрганадиган замонавий текшириш усуллари ва репозиция, суяк бўлакларининг фиксация қилишнинг янги усуллари яратишга, шу билан бирга юқори технологик жарооҳлик амалиётини яришига янги ёндашувларни жорий этишга ундайди. Сўнгги йилларда артроскопик жарроҳликнинг усули тобора кўпроқ қўлланила бошланди (Еникеева М.Г., 2002, Ваза А.Ю. 2003). Катта болдир суяги дўнглигини жарроҳлик амалиёти орқали суяк бўлакларини репозиция қилиш ва ишончли маҳкамлаш яхши натижага эришишнинг бир томонидир. Аммо бошқа томондан, бўғимдаги ҳаракатларнинг амплитудасини тиклаш вазифаси турибди. Шунинг учун, катта болдир суяги дўнглигини эски синишларини даволашда яхши натижаларга эришиш учун артроскопик усулни қўллаш орқали аниқ репозиция қилиш, кам шикастланиш, эрта реабилитацияни

бошқариш имкониятлари билан амалга ошириш керак, бу кейинги даволаш усулларини аниқлаш, натижани баҳолаш ва тикланиш вақтини оптималлаштириш имконини беради (Филиппов О.В., 2001; Gonzalez L.J. et al., 2017). Қониқарсиз натижаларни таҳлил қилишда ушбу турдаги жароҳатларнинг муваффақиятли натижаларига тўсқинлик қиладиган қуйидаги сабабларни таъкидлаш керак: хатолар ва синишнинг кеч диагностикаси, замонавий диагностика усулларидан (КТ, МРИ, артроскопия) камдан-кам фойдаланиш; ёпиқ ва очик репозицияга муваффақиятсиз уринишлар; узоқ муддатли иммобилизация; суяк бўлақларининг барқарор равишда ушлаб туришнинг имкони бўлмаган ноўрин фиксаторларни танлаш; асоссиз катта чандиқларнинг ривожланишига олиб келадиган жарроҳлик усуллари, бўғим капсуласининг гипотрофияси; суяк бўлақларининг нотўғри репозицияси (Егоров Д.И., 2009; Гилев Я.Х. с соавт., 2006; Jiang L., 2020).

Қоида тариқасида, тизза бўғимининг шикастланишини ташхислаш анъанавий рентгенография билан бошланади. Бироқ, рентген текшируви ўз чегараларига эга (Wu K., 2017). Бўғим ичидаги синиш текислигининг тўғрисидаги диагностик маълумотлар жуда кам. Қўпинча бундай жароҳатлар импрессион-компрессион характерда бўлади ва бутсимон боғлам узилиши, мениск жароҳати, гемартроз билан бирга учрайди (Дурсунов А.М., 2020). Бундай шароитда магнит-резонанс томография (МРТ) ва мультиспираль компьютер томографияси (МСКТ) айниқса катта аҳамиятга эга. Рентгенологик яширин синишларнинг тахминан 50% МРТ ёрдамида аниқланади (Каримов М.Ю., 2002). Катта болдир суяги проксимал қисми синишларини даволаш усуллари таклиф қилинди ва уларнинг узоқ муддатли натижалари ўрганилди. Боймуродов Г.А. (2021) маълумотларига кўра, катта болдир суяги проксимал қисми синишларини даволашнинг оптимал усули ташқи фиксация қурилмаси ёрдамида ишлаб чиқилган. Бошқа илмий манбаларга кўра, ушбу турдаги жароҳатларни даволашнинг асосий усули бу пластиналардан фойдаланиш ҳисобланади (Каримов М. Ю., 2008).

Катта болдир суяги дўнглигини эски синишларини ва шу сабабли тизза бўғимининг юмшоқ тўқималарига этказилган зарарни даволаш бўйича замонавий илмий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики: катта болдир суяги синишларини жароҳатини кам жароҳатли усулда даволаш, эндоскоп назоратида остида жарроҳлик амалиётини бажариш усуллари, репозиция қилиш учун мукамал техника ва қурилма ёрдамида жарроҳлик даволаш усуллари, шунингдек операциядан кейинги даврда беморларни реабилитация қилиш дастурлари ишлаб чиқилмаган (Нажа А., 2022). Бу шуни кўрсатадики, катта болдир суяги дўнглиги эскирган бўғим ичи синишининг оптимал даволаш усули ҳақидаги саволлар очик қолмоқда (Питкевич Ю.Э., 2005). Бироқ, катта артротомик усулда жарроҳлик амалиётини ўтказиш узоқ ўтмишда эмас, хозирда кунда ҳам бундай жарроҳлик амалиётлари бажарилаётган муассасалар мавжуд (Панков И.О., 2005). Ўртача ҳисобда ҳар бир артроскопик усулдаги операцияга учта артротомик усулда бажарилаётган жарроҳлик амалиёти тўғри келади (Ярыгин И.В., 2006). Бундай амалиётлар, йирингли асоратлар, ҳаракат

чекланиши, реабилитация даврини узайиши ва фаол ҳаёт тарзига қайтиш вақтини узайишига сабабчи бўлади. Юқорида айтиб ўтилганларни инобатга олиб, ушбу тадқиқот катта болдир суяги эскирган бўғим ичи синишини жарроҳлик усулида даволашнинг самарадорлигини ўрганишга қаратилган (Castiglia V.T., 2018; Delcogliano M., 2020).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасаси иш режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 20170928443-сон «Чанок-сон бўғими ва тизза бўғимлари патологияси бўлган беморларни жарроҳлик даволаш ва реабилитация қилишнинг минимал инвазив усуллари ишлаб чиқиш» амалий грант лойиҳаси доирасида 2018-2022 йилларда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади катта болдир суяги дўнгликлари эскирган бўғим ичи синишларини хирургик даволаш усулини артроскоп қўллаш орқали оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

катта болдир суяги проксимал қисми эскирган бўғим ичи синишлари бўлган беморлар маълумотларини ретроспектив таҳлил қилиш;

рентгенологик, МСКТ, МРТ ва артроскопик текширувларга кўра катта болдир суяги проксимал қисми эскирган бўғим ичи синиши бўлган беморларни жарроҳлик даволаш усулини танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

артроскоп ёрдами билан катта болдир суяги проксимал қисми эскирган бўғим ичи синишларини жарроҳлик даволаш усулини ишлаб чиқиш;

катта болдир суяги проксимал қисми эскирган бўғим ичи синишларини даволаш натижаларини таққослама даволаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалиёт тиббиёт марказида 2014-2022 йилларда даволанган 116 нафар катта болдир суяги дўнглиги эскирган бўғим ичи синишлари бўлган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети катта болдир суяги проксимал қисми эскирган бўғим ичи синиши бўлган беморларни жарроҳлик амалиёти бўйича даволашда клиник, нурли, инструментал ва артроскопик тадқиқоти натижалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида клиник, рентгенологик, МРТ, МСКТ, артроскопия усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

артроскоп ёрдами билан катта болдир суяги дўнглиги эскирган компрессион синишларини нотўғри битган суяк бўлақларини остеотомия қилиш, гиалин тоғай каватини субхондрал суяк билан кўтариш, дўнглик бўғим юзасини тиклаш, жароҳатланган менискни ва чандиқ тўқималарни олиб ташлаш, пластина ва винтлар билан остеосинтез қилиш орқали амалга ошириладиган жарроҳлик амалиёти усули ишлаб чиқилган;

нотўғри битган ёки битаётган катта болдир суяги синишларини артроскоп ёрдамида бўғим юзасидан 45⁰ бурчак остида яримойсимон остеотомияси

такимлаштирилган, бу усул орқали бўғим юзаси бўлакларини артроскопик репозиция қилиш амалга оширилиб, бўғимнинг таянч юзасини кенгайтириш ва бўғим харакатини енгиллаштиришга эришилган;

катта болдир суяги дўнглиги эскирган бўғим ичи синишларини хирургик даволашнинг оптималлаштирилган стабил миниинвазив усулини танлаш тактикаси кенг кўламли диагностика текширувлари натижалари бўйича ишлаб чиқилган балл тизимига асосланган, бунда артроскоп ёрдами билан бажарилган остеотомия ва остеосинтез муолажалари 15 баллдан юқори бўлиши муҳимлиги исботланган;

бўғим юзасининг 4 ммдан ортиқ бўлган қолдиқ импрессияси, катта болдир суяги дўнглигининг 1/2гача деформацияси ва тизза бўғими суяклари ўқининг варус/валгусли оғиши оператив муолажа учун кўрсатма эканлиги исботланган;

катта болдир суяги дўнглиги эскирган синишларини артроскоп ёрдамида бажариладиган жарроҳлик даволаш усули бир вақтнинг ўзида тизза бўғими элементларининг бутунлигини тўлиқ тиклашга, жарроҳлик амалиёти вақтини қисқартиришга, операциядан кейинги эрта реабилитацияни бошлашга имкон бериши исботланган ва такрорий жарроҳлик амалиётларини олдини олиш имконини берган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

клиник-рентгенологик, МРТ ва МСКТ маълумотларини таҳлил қилиш асосида катта болдир суяги дўнглиги эскирган бўғим ичи синишларини даволаш учун ишлаб чиқилган алгоритм функционал ва анатомик натижаларни яхшилашга ва даволаниш вақтини қисқартиришга имкон беради;

катта болдир суяги дўнглиги эскирган бўғим ичи синишларини даволаш учун тавсия этилган усули жарроҳлик вақтини камайтириши, эрта реабилитацияни бошлаш имконини бериши ва тизза бўғими функциясининг тўлиқ тикланишига имкон бериши исботланган;

тизза бўғимининг юмшоқ тўқималарига етказилган зарарни бир вақтнинг ўзида артроскоп ёрдамида бартараф этиш операциядан кейинги асоратларнинг ривожланишини камайтириши ва қайта жарроҳлик амалиётини олдини олиши имконияти исботланган;

катта болдир суяги дўнглиги эскирган бўғим ичи синишларини артротомиясиз артроскоп ёрдамида коррекциялови остеотомия қилиш бўғим юзалари мутаносиблигини тўлиқ тиклашга ёрдам бериши ва жароҳатдан кейинги остеоартрознинг олдини олиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг ишончли мезонлари, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, етарли клиник материал, услубий ёндашувлар ва статистик таҳлиллар орқали асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти артроскопик усул билан катта болдир суяги дўнглиги эскирган бўғим ичи синишларини жарроҳлик даволаш усули ишлаб чиқилганлиги, бу оёқ ўқини тўғрилаши, тизза бўғимининг элементлари бутунлигини тўлиқ тиклаши, операциядан кейинги эрта

реабилитацияни бошлаш имкониятининг ошиши, операциядан кейинги асоратлар сонини камайтириши ва такрорий жарроҳлик амалиётларини олдини олиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти клиник ва рентгенологик, МРТ ва МСКТ маълумотларини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган алгоритмдан фойдаланиб, катта болдир суяги дўнглиги эскирган бўғим ичи синишларини даволашнинг функционал ва анатомик натижаларини яхшилаши, жарроҳлик ва умумий даволаниш вақтини қисқартириши, эрта реабилитацияни бошлаш ва бўғим функциясини тўлиқ тиклаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази Эксперт кенгашининг 2023 йил 23 мартдаги 03/5-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий марказининг 2023 йил 20 январдаги 03/80а-сон хати юборилган):

биринчи илмий янгилик: артроскоп ёрдами билан катта болдир суяги дўнглиги эскирган компрессион синишларини нотўғри битган суяк бўлақларини остеотомия қилиш, гиалин тоғай каватини субхондрал суяк билан кўтариш, дўнглик бўғим юзасини тиклаш, жароҳатланган менискни ва чандиқ тўқималарни олиб ташлаш, пластина ва винтлар билан остеосинтез қилиш орқали амалга ошириладиган жарроҳлик амалиёти усули Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази (11.08.2020 й.; №109а), Бухоро (13.08.2020 й.; №42) ва Самарқанд (13.08.2020 й.; №23) вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази клиникалари амалиётига жорий этилди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: • жарроҳлик даволаш усулини ишлаб чиқиш оёқ ўқини текислаши, жарроҳлик аралашуви вақтини қисқартириши, эрта реабилитация бошлаш ва тизза бўғимлари функциясини тўлиқ тиклаш имконияти туфайли қониқарсиз натижалар улушини 7,1% гача камайтиришга имкон беради; • юмшоқ тўқималарга кам жароҳат етказиш, асоратларнинг камайиши, стационар даво муддатининг қисқариши, реабилитация муддатларининг камайиши, 83,9% холларда яхши натижалар олиш имконини беради; • таклиф этилган жарроҳлик даволаш усулидан фойдаланиш катта болдир суяги дўнглиги эскирган бўғим ичи синишларини ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: 1) беморнинг шифохонадаги даври учун: - беморнинг шифохонада қолиш муддатини 12 кундан 5 кунгача қисқартиртириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори тахминан 2065 минг сўмга камайтирди (шифохонада 1 кун қолиш 295000 сўмни ташкил қилади); - эндопротезлаш операцияси билан таклиф этилган жарроҳлик муолажасининг фарқи 1400000 сўм иқтисод қилишга имкон беради; - эндопротез имплантларини ишлатмаслик эса ўз навбатида яна ишлатилаётган металл мосламалар билан фарқини 19000000 сўмни ташкил этади; 2) юқоридаги кўрсатмалар бўйича даволанган беморларнинг эрта реабилитациясини бошлаш

уларнинг вертикализацияси тезлаштиради ва кейинчалик ногиронлик сабабларини бартараф этиш имконини беради. **Хулоса:** артроскоп ёрдами билан катта болдир суяги дўнглиги эскирган компрессион синишларини нотўғри битган суяк бўлақларини остеотомия қилиш, гиалин тоғай каватини субхондрал суяк билан кўтариш, дўнглик бўғим юзасини тиклаш, жарохатланган менискни ва чандиқ тўқималарни олиб ташлаш, пластина ва винтлар билан остеосинтез қилиш орқали амалга ошириладиган жаррохлик амалиёти усули 1та бемор учун 22465000 сўм иқтисод қилишга имкон берди.

иккинчи илмий янгилик: нотўғри битган ёки битаётган катта болдир суяги синишларини артроскоп ёрдамида бўғим юзасидан 450 бурчак остида яримойсимон остеотомияси такомиллаштирилган, бу усул орқали бўғим юзаси бўлақларини артроскопик репозиция қилиш амалга оширилиб, бўғимнинг таянч юзасини кенгайтириш ва бўғим харакатини энгиллаштиришга эришиш Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази (11.08.2020 й.; №109а), Бухоро (13.08.2020 й.; №42) ва Самарқанд (13.08.2020 й.; №23) вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази клиникалари амалиётига жорий этилди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: • Олинган натижалар катта болдир суяги дўнглиги эскирган синиши бўлган беморларни диагностика ва сифати даволаш самарадорлигини оширишга ва эндопротезлашга бўлган талабни 10% га камайтириш имконини берган шу билан бирга даволаш сифатини яхшилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: беморнинг шифохонадаги даври учун: - беморнинг шифохонада қолиш муддатини 12 кундан 5 кунгача қисқарттириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори тахминан 2065000 сўмга камайтирди (шифохонада 1 кун қолиш 295000 сўмни ташкил қилади); - эндопротезлаш операцияси билан такдиф этилган жаррохлик муолажасининг фарқи 1400000 сўм иқтисод қилишга имкон беради; - эндопротез имплантларини ишлатмаслик эса ўз навбатида яна ишлатилаётган металл мосламалар билан фарқини 19000000 сўмни ташкил этади. **Хулоса:** нотўғри битган ёки битаётган катта болдир суяги синишларини артроскоп ёрдамида бўғим юзасидан 45° бурчак остида яримойсимон остеотомияси такомиллаштириш 1 бемор учун 22465000 сўм иқтисоди имконини берган.

учинчи илмий янгилик: катта болдир суяги дўнглиги эскирган бўғим ичи синишларини хирургик даволашнинг оптималлаштирилган стабил миниинвазив усулини танлаш тактикаси кенг кўламли диагностика текширувлари натижалари бўйича ишлаб чиқилган балл тизимига асосланган, бунда артроскоп ёрдами билан бажарилган остеотомия ва остеосинтез муолажалари 15 баллдан юқори бўлиши муҳимлиги Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази (11.08.2020 й.; №109а), Бухоро (13.08.2020 й.; №42) ва Самарқанд (13.08.2020 й.; №23) вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази клиникалари амалиётига жорий этилди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: • клиник ва рентгенологик, МРТ ва МСКТ маълумотларини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган алгоритмдан фойдаланиб, катта болдир суяги дўнглиги эскирган бўғим ичи синишларини

даволашнинг функционал ва анатомик натижаларини яхшилади, жарроҳлик ва умумий даволаниш вақтини қисқартирди, эрта реабилитацияни бошлаш ва бўғим функциясини тўлиқ тиклаш имконини берди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: - катта болдир суяги дўнглиги эски бўғим ичи синишлари диагностикаси комплексли бўлиши ва унинг физикал ва рентген текширувларга асосланиб қабул қилинган алгоритмини МСКТ, МРТ ва артроскопия билан тўлдириш тавсия этилиши, рентгенологик, МСКТ, МРТ ва артроскопик текширувларга кўра, катта болдир суяги дўнглиги эски бўғим ичи синишлари бўлган беморларни жарроҳлик даволаш усулини танлаш учун ишлаб чиқилган алгоритм травмадан кейинги асоратларни олдини олиш учун тўғри жарроҳлик даволаш тактикасини танлашга имкон бериш натижасида ногиронлик даражасини пасайтириш иқтисод қилиш имконини берди. **Хулоса:** катта болдир суяги дўнглиги эскирган бўғим ичи синишларини хирургик даволашнинг оптималлаштирилган стабил миниинвазив усулини танлаш тактикасини қўллаш нотўғри ва қиммат даво турларини қўлламаслик ҳисобига маблағларни иқтисод қилишга имкон берган.

тўртинчи илмий янгилик: бўғим юзасининг 4 ммдан ортиқ бўлган қолдиқ импрессияси, катта болдир суяги дўнглигининг 1/2гача деформацияси ва тизза бўғими суяклари ўқининг варус/валгусли оғиши оператив муолажа учун кўрсатма эканлиги Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази (11.08.2020 й.; №109а), Бухоро (13.08.2020 й.; №42) ва Самарқанд (13.08.2020 й.; №23) вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази клиникалари амалиётига жорий этилди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: • артроскопик ёрдамдан фойдаланиш катта болдир суяги дўнглиги эски бўғим ичи синишлари бўлган беморларнинг жарроҳлик усулида даволаш кўрсаткичларини кенгайтиради ва 83,9% ҳолларда яхши натижаларга эришишга имкон беради, бу эса жарроҳлик амалиёти вақтида тўқималарнинг камроқ шикастланиши, минимал асоратлар, стационар даволанишнинг қисқа муддати ва тизза бўғимининг функционал тикланиш вақтини қисқартiriш билан даволаш сифатини яхшилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: 1) беморнинг шифохонадаги даври учун: - беморнинг шифохонада қолиш муддатини 12 кундан 5 кунгача қисқартiriриб, шифохонада қолиш тўлов миқдори тахминан 2065000 сўмга камайтирди (шифохонада 1 кун қолиш 295000 сўмни ташкил қилади); - эндопротезлаш операцияси билан таклидиф этилган жарроҳлик муолажасининг фарқи 1400000 сўм иқтисод қилишга имкон беради; - эндопротез имплантларини ишлатмаслик эса ўз навбатида яна ишлатилаётган металл мосламалар билан фарқини 19000000 сўмни ташкил этади; 2) юқоридаги кўрсатмалар бўйича даволанган беморларнинг эрта реабилитациясини бошлаш уларнинг вертикализацияси тезлаштиради ва кейинчалик ногиронлик сабабларини бартараф этиш имконини беради. **Хулоса:** артроскоп ёрдами билан катта болдир суяги дўнглиги эскирган компрессион синишларини нотўғри битган суяк бўлакларини остеотомия қилиш, гиалин тоғай каватини субхондрал суяк билан кўтариш, дўнглик бўғим юзасини тиклаш, жароҳатланган менискни

ва чандиқ тўқималарни олиб ташлаш, пластина ва винтлар билан остеосинтез қилиш орқали амалга ошириладиган жарроҳлик амалиёти усули 1 нафар бемор учун 22465000 сўмга иқтисод имконини берган.

бешинчи илмий янгилик: катта болдир суяги дўнглиги эскирган синишларини артроскоп ёрдамида бажариладиган жарроҳлик даволаш усули бир вақтнинг ўзида тизза бўғими элементларининг бутунлигини тўлиқ тиклашга, жарроҳлик амалиёти вақтини қисқартиришга, операциядан кейинги эрта реабилитацияни бошлашга имкон бериши исботланган ва такрорий жарроҳлик амалиётларини олдини олиш Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази (11.08.2020 й.; №109а), Бухоро (13.08.2020 й.; №42) ва Самарқанд (13.08.2020 й.; №23) вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази клиникалари амалиётига жорий этилди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: - жарроҳлик даволаш усулини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар оёқ ўқини текислаши, жарроҳлик аралашуви вақтини қисқартириши, эрта реабилитация бошлаш ва тизза бўғимлари функциясини тўлиқ тиклаш имконияти туфайли қониқарсиз натижалар улушини 7,1% гача камайтиришга; - юмшоқ тўқималарга кам жароҳат етказиш, асоратларнинг камайиши, стационар даво муддатининг қисқариши, реабилитация муддатларининг камайиши, 83,9% холларда яхши натижалар олишга; - катта болдир суяги дўнглиги эскирган синиши бўлган беморларни диагностика ва сифати даволаш самарадорлигини оширишга имкон берди ва эндопротезлашга бўлган талабни 10% га камайтириш имконини берган. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат (1 нафар бемор ҳисобига): 1) беморнинг шифохонадаги даври учун: - беморнинг шифохонада қолиш муддати 5 кун бўлиб 1475 минг сўм (шифохонада 1 кун қолиш 295.000 сўмни ташкил қилади); - қайта оператив даво қилиш олдини олиш имплантлар билан 4500 минг сўмни иқтисод қилишга имкон беради. **Хулоса:** катта болдир суяги дўнглиги эскирган синишларини артроскоп ёрдамида бажариладиган жарроҳлик даволаш усули такрорий даво олдини олиш ҳисобига 4500000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бта илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2таси халқаро ва 3таси республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар ва асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. 1та ихтиро(ІАР)га патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4та боб, хотима, хулосалар, адабиётлар рўйхати, қисқартмалар кўрсаткичи ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 102 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисми мавзунинг долзарблиги ва заруриятига асосланган, изланишнинг мақсади ва вазибалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини кўрсатади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини баён қилади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиқ беради, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотларга бағишланади.

Диссертациянинг **«Катта болдир суяги проксимал эпиметафизининг эскирган бўғим ичи синишлари диагностикаси ва даволаш усулларини танлашда долзарб масалалар шарҳи»** деб номланган биринчи боби катта болдир суяги дўнглиги эскирган синишининг этиопатогенези, клиник кўринишлари, диагностика ва даволашнинг мавжуд усуллари бўйича замонавий адабиётларни таҳлил қилишга бағишланган. Ушбу патологияни ташхислаш ва даволаш муаммоларига бағишланган тиббий маълумотларлар таҳлили ўтказилган, консерватив ва жарроҳлик даволашнинг мавжуд усуллари тавсифи берилган. Боб қисқача хулоса билан якунланади.

Диссертациянинг **«Катта болдир суяги дўнглиги эскирган бўғим ичи синишларининг клиник ва инструментал текшириш материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида беморлар, инструментал текшириш натижалари (рентгенография, МРТ, МСКТ ва артроскопия) ва статистик тадқиқотлар таърифи келтирилган. 116 нафар беморлардан эркаклар 74 (63,8%), аёллар 42 (36,2%) нафарни ташкил қилади. Тадқиқотга киритилган беморларнинг ёши 18-70 ёшни ташкил қилади. Жинс жиҳатидан 50 ёшгача бўлган беморларда эркак жинсининг устунлигини кузатиш мумкин ($p < 0,001$), 40 ёшдан кейинги даврда аёлларда синиш сони кўпайиши кузатилган ва 51 ёшдан 70 ёшгача бўлган гуруҳларда эркакларникига қараганда 2 баравар кўп учраши, бу эса жароҳатдан кейинги остеопорознинг ривожланиш белгиси эканлиги таъкидланган.

Беморлар анамнезига асосланган ҳолда жароҳат механизми ривожланишининг асосий сабаби автоҳалокат бўлиб, унда олд ўриндикқа ёки ички салонга оёқ қисилиши катта аҳамиятга эга. Баландликдан йиқилиб жароҳат олиш кейинги ўринда туради (31,1%). Ушбу турдаги жароҳатланиш зарба ёки оддий йиқилиш натижасида содир бўлади.

Олинган маълумотларни таснифлаш ва тизимлаштириш учун АО\ASIF универсал таснифи (В ва С синиш турлари) ишлатилган.

Беморни қабул қилиш вақтида клиник текширув ўтказилган, унда беморларнинг умумий ҳолати, шикастланган аъзонинг қон билан таъминланиши ва иннервацияси баҳоланди, шикастланиш механизми аниқланди. Катта болдир суяги дўнглиги бўғим ичи эскирган синиши бўлган беморни клиник текширишда куйидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинди: оғриқ синдроми, ҳаракатларнинг чекланиши, пастки муча ўқининг бузилиши, гемартроз, синовит, тизза бўғимининг блоки, контрактура, тизза бўғимининг ностабиллиги.

Ушбу турдаги травмаларда клиник симптомларнинг турличалиги сабабли катта болдир суяги дўнгликларининг бўғим ичи синишларини ташхислаш ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш зарурати туғилди ва бу алгоритм тўғри даволаш усулини танлашга ёрдам берди. Шунга мувофиқ ЭВМ дастури ишлаб чиқилиб, 26.02.2022 да DGU №14770 гувоҳномаси олинди. Ушбу дастурнинг қўлланилиши суяк бўлақларининг барқарор миниинвазив фиксациясининг мақсадга мувофиқ усулини танлашга ёрдам берди. Бунда артроскопик усул ёрдамида остеотомия ва остеосинтез қилиш 15 баллдан юқори натижа кўрсатди.



Расм 1. Катта болдир суяги дўнгликларининг бўғим ичи синишларида ташхислаш ва даво тайинлаш алгоритми (DGU №14770 26.02.2022)

Шикастланган тизза бўғимининг травмадан кейинги синовити 22 (19%) нафар беморда аниқланди. 23 (20%) нафар беморларда тизза бўғимининг юмшоқ тўқималарига зарар этказилганлиги сабабли, текширилаётган бўғимдаги ҳаракатларнинг чекланиши қайд этилди.

Беморларнинг 71%ида (82 бемор) тизза бўғимининг ностабиллиги аниқланди. Клиник тадқиқот катта болдир суяги дўнглиги эскирган синишини аниқлаш имконини берди, аммо синиш турини, суяк бўлақларининг силжиш даражасини, бўғим юзаси нотекислигини аниқлашга, тизза бўғимининг юмшоқ тўқималарининг шикастланишини аниқлашга имкон бермайди. Бўғим ичи синишлари эпиметафизнинг бўғим капсуласи ички қисмида жойлашган ҳолатда ҳисобланади.

Импрессион синишлар 13 (11,2%) беморда кузатилди. Эскирган импрессион синишнинг белгилари сифатида катта болдир суяги проксимал бўғим юзаси контури деформацияси ва узилиши, бўғим ёриғининг импрессия зонасида локал кенгайиши ҳисобланди. Суяк бўлақларининг бир-бирини устига тушиб қолиши бирламчи диагностикаси 92 (79,3%) ҳолатларда рентгенологик текширувларга асосланди. Агар рентгенограммада суяк бўлақлари учлари марказий нур остида бир-бири ортида бўлган тақдирда уларнинг соялари қўшилган ҳолда 2 баробар интенсивлиги ошади, шунинг учун бундай ҳолатларда

бўлақларнинг бир-бирига киришиши кўринмайди. 24 (20,7%) беморларда суякнинг ғовак қисмида синиш линияси кўринмади. Бунда уларнинг сурилиши кузатилмаган. Бунда суяк фрагментларининг ботиб киришининг асосий рентгенологик симптоми унинг деформацияси деб ҳисобланди. Катта болдир суягининг иккала дўнглиги эскирган синишларининг белгиларидан бири чизиқсимон дефект 61 (52,6%)да учради. Бурчак остида сурилишлар 84 (72,4%) беморда кузатилди. Бунда бурчак катталиги бир неча градусдан деярли тшғри бурчак атрофида бўлди. Катта болдир суяги дўнгликлари олд ва орқа бўғим қирралари визуализацияси учун рентген нурлари йўналиши бир неча градусга оғдирилди. Фақатгина 5 (3,3%) беморда эскирган болдир дўнгликларининг синишлари аниқланмади, чунки синишлар алоҳида вариантда учради (B1 тип) ва бўлақлар сурилашилари кузатилмади ёки синиш аҳамиятсиз даражадаги импрессион характерга эга бўлди (B2 тип). Бундай ҳолатларда МСКТ текширувлари ўтказилди.

Компьютер томографияси 1 мм қалинликда амалга оширилган, зарур ҳолларда, 0,5 мм гача камайтирилди. Бу текширишни ўтказишга катта болдир суяги дўнглиги бўғим ичи синишининг рентгенологик ноаниқлиги ҳисобланди. Текшириш синиш турини, бўғим юзасини кўриш, бўғим юзасидаги дефектни аниқлаш, силжиш даражаси ва ёъналишини аниқлаш мақсадида ўтказилди. МСКТ текширувининг кўндаланг кесими орқали 4 (3,4%) нафар беморда катта болдир суягининг бўғим юзасидаги дефект аниқланди.

МРТ текшируви суяк бўлақларининг силжиш йўналиши, даражаси ва тизза бўғимининг юмшоқ тўқималари жароҳати ҳақида аниқ малумот беради. МРТ текшируви катта болдир суяги дўнглиги бўғим ичи эски синиши бўлган 46 нафар беморларда ўтказилди. Аниқланишича, 69,6 % беморларда ташқи дўнглик жароҳати, 13% беморларда ички дўнглик жароҳати, 17,4 % беморларда иккала дўнгликлар жароҳати кузатилган. Импрессион-парчаланиб синишлар - 41,3%, импрессион синишлар - 32,6%, майдаланиб синиш – 8,7% ни ташкил қилди. Беморларнинг ярмидан кўпида олдинги бутсимон боғлам жароҳати (56,5%), беморларнинг учдан бирида мениск жароҳати (32,6% – медиал мениск, 21,7% – латерал мениск) кузатилади. 1 (7,7 %) беморда олдинги бутсимон боғлам тўлиқ узилганлиги аниқланган. Медиал дўнглик жароҳатланган 1 нафар беморда латерал мениск жароҳати кузатилган. Иккала дўнгликлар синганида олдинги бутсимон боғлам ва мениск жароҳати 8 нафар беморларда кузатилган.

Тизза бўғимининг артроскопик текшириш артроскопик ускуналар ва инструментлардан фойдаланган ҳолда асосий гуруҳдаги барча беморларда амалга оширилди. Диагностик артроскопия катта болдир суяги дўнглиги эски бўғим ичи синиши бўлган 52 нафар беморда ўтказилди. 47 (90,4%) беморларда тизза бўғимининг юмшоқ тўқима жароҳати кузатилди: 27 (51%) да менисклар жароҳати ва тоғай қаватининг кўчиши барча беморларда кузатилган. Дўнгллараро тепаликнинг жароҳати Б1 - 2 (4,6%) беморларда, Б3 - 2 (4%) беморларда кузатилди.

Амалга оширилган рентгенологик, МСКТ, МРТ ва артроскопик тадқиқотлар катта болдир суяги платсининг жарохатини кўриш имконини беради ва горизонтал текисликда схематик тасвир билан катта болдир суяги дўнглиги бўғим ичи синишининг замонавий таснифларини тўлдиришга имкон берди. Катта болдир суяги дўнглиги жарохатининг уч текисликли схематик тасвири (илгари ишлатилган икки текисликдан фарқли ўлароқ) бўғим юзаси нотекислик характери ва оғирлиги ҳақидаги тушунчани кенгайтиришга имкон беради ва тегишли даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Катта болдир суяги проксимал қисми эскирган бўғим ичи синишларини даволаш**» деб номланган учинчи бобида ушбу турдаги синишларни даволаш усуллари батафсил тавсифланган. 2014 йилгача бўлган даврда катта болдир суяги проксимал қисми бўғим ичи синиши ташқи фиксация аппаратлари, очиқ остеосинтез қилиш орқали оператив даволанган. Ташқи фиксация аппаратлари пластиналар билан ишончли фиксация қилиш имконияти бўлмаган ҳолларда, катта болдир суяги проксимал қисми очиқ жарохатларида, шунингдек суяклар майдаланиб синганда қўлланилган. Ушбу усул 39 беморда қўлланилган. Ушбу усул билан даволашнинг ўртача давомийлиги 5,1 ойни ташкил этди. Ушбу муддат тугагандан сўнг ва қайта рентген текширувидан ўтказилгач, катта болдир суяклари тўлиқ консолидацияси кузатилгандан сўнг ташқи фиксация аппарати демонтаж қилинди. Қурилмани демонтаж қилгандан сўнг, тизза бўғими функциясини тиклаш мақсадида реабилитация чоралари бошланган. Физиотерапия муолажалари ўтказилган.

Катта бўлақларга бўлиниб синиш ҳолатларида, синиқ чизиги метафиздан ўтса, тиббал пластиналар қўлланилган. Шунинг таъкидлаш керакки, катта болдир суяги латерал ва медиал дўнгликларининг ёпиқ бўғим ичи синишининг остеосинтези билан ишлатилган пластиналар бир-биридан фарқ қилади, бу уларнинг тузилиши ва вазифаси билан боғлиқ. Ушбу усул 21 нафар беморда қўлланилган. Суяк бўлақларини яхшироқ битиши учун 2 ой давомида иммобилизация қилувчи гипсли боғлам қўйилган. Гипсни олиб ташлаганингиздан сўнг, реабилитация чоралари бошланади.

Тизза бўғимлари касалликларини даволашнинг артроскопик усули ривожланиши билан катта болдир суяги проксимал қисмининг эски синишларини даволаш натижалари сезиларли даражада яхшиланди. 2014 йилдан бери 56 беморда биз ишлаб чиққан «Катта болдир суяги дўнглиги компрессион синишини даволашнинг жароҳлик усули» қўлланилди (IAP 2015 0264).

Қуйидагилар артроскопияга кўрсатма деб ҳисобланди: а) тўлиқ бўлмаган клиник ташхис; б) тиббал платонинг дўнглик импрессияси ва/ёки компрессияси натижасида шаклланган деформация даражасини баҳолаш ва бўғимдаги кўшимча шикастланишларни аниқлаш; в) катта болдир суяги проксимал қисмининг V1 ва V2 типдаги синишлари; г) бўғим блокининг рецидивлари. Артроскопия вақтида бўғим 0.9% физиологик эритма билан тўлдирилади. Шундан сўнг бўғимнинг артроскопик текшируви ўтказилади (Расм 2а). 180°га

букилган тизза бўғимида артроскопни ўтказиш учун иккита пастки кичик кесим – олдинги латерал ва олдинги медиал кесимлар ҳосил қилинади. Кўп ҳолларда ушбу текширувда синиш жойи ва қўшимча бўғим ичи юмшоқ тўқима шикастланишлари аниқланди. Юмшоқ тўқима шикастланишларига мениск йиртилиши, бутсимон бойламлар ва тизза бўғими ён бойламларининг узилишлари киради. Катта болдир суяги платосини баҳолаш ўтказилди (Расм 2б).



а




б


